Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 2-avgust, shanba № 93 (3442)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2014 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2014 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 107 635 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 210 525 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 210 525 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 129 180 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2014 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2014 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 2 декабрдаги ПФ-4582-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2014 йилнинг 1 сентябридан ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 31 июл

Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги «Кварц» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган халқаро стандартларга мос шиша ва ойна маҳсулотлари аллақачон ўз харидорини топиб улгурган.

«КВАРЦ»НИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

Шиша буюмлар ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Абдужалил Толиповнинг айтишича, жаҳон бозори конюктураси доимий ўрганиб борилаётгани маҳсулотларни ташқи бозорга чиқариш, энг сўнгги ютуқларни амалиётга жорий этиш, ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида ўзига хос омил бўлмоқда.

Икки минг юз нафар ишчи фаолият кўрсатаётган жамиятда 150 турдан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, чет элга экспорт қилинмоқда.

Суратларда: *шиша буюмлар ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Абдужалил Толипов ва маҳсулот назоратчиси Нафиса Абибоева; ишчи Рўзихон Ҳалилова.*

ЎзА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар

Август ойи — ҳосилга ҳосил қўшадиган давр

Жиззах вилоятида қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашишда биологик усулдан кенг фойдаланилмоқда. Элликка яқин биолабораторияда етиштирилаётган маҳсулотлар ҳосил унумдорлиги ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётир.

БИОЛОГИК УСУЛДАН ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

Зарарли ҳашаротларга қарши курашишда биологик усулларни қўллаш ишончли, фойдали ва самаралидир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, экинни биологик усулда ҳимоя қилиш кимёвий усулга нисбатан гектарига 700-800 минг сўм тежамкорликка эришиш имконини беради.

102 минг гектардан зиёд майдонда пахта етиштираётган вилоят фермерлари ғўза парваришида агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш, хусусан, зараркунандаларга қарши курашишда айнан биологик усулдан кенг фойдаланмоқда. Бу борада жойларда фаолият юритаётган биолабораториялар муҳим аҳамият касб этаётир.

Мирзачўл туманидаги «Янгидала олтинкўзи» биолабораториясида етиштирилаётган фойдали ҳашаротлар зараркунандаларга қарши курашишда яхши самара бермоқда. 2007 йили иш бошлаган биолабораторияда биомаҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. Жумладан, 2011 йилда 12,5 килограмм трихограмма, 9,2 миллион дона олтинкўз, 7,9 миллион дона хабробракон ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич икки баробар ошди. Янги линияларнинг ишга туширилиши биомаҳсулотлар сифати яхшиланишини таъминлади.

— Мутахассислар ғўза ниҳоллари униб чиққандан то пахта очилгунга қадар экин ҳолатини кузатиб боради, — дейди биолаборатория раҳбари Шавкат Жовбўриев. — Ҳарорат кўтарилганда зараркунанда ҳашаротларнинг кўпайиш хавфи янада ортади. Ўргамчаккана, шира, кўсак қурти каби зараркунандалар пайдо бўлиши билан майдонлар ҳажмига қараб фойдали ҳашаротлар ташланади. Ҳозир лабораторияда ҳудуддаги барча майдонларга етарли олтинкўз, трихограмма, хабрабракон каби фойдали ҳашаротлар етиштирилмоқда.

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири

Ўқув-семинар

Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг масъул ходимлари томонидан бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш, касаба уюшма фаоллари билим ва малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Амалий ёрдам

«Кўнғирот сода заводи» УКда ташкил этилган ўқув-семинарда касаба уюшма қўмитаси фаоллари ва меҳнат муҳофазаси вакиллари қатнашди. Дастлаб иштирокчиларга меҳнат муҳофазаси ҳамда ташкилий ишлар йўналишлари бўйича слайдлар орқали маълумотлар бериб ўтилди. Шундан сўнг Республика кенгаши мутахассиси Б.Қуватовнинг «Касаба уюшмаси Уставига амал қилиш, ижро интизомини кучайтириш, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни талаб даражасида расмийлаштириш ҳамда қабул қилинган қарорлар бўйича чора-тадбирлар тасдиқланиши, уларни бажариш муддатлари ва масъул шахсларнинг белгиланиши, ижроси ўз вақтида амалга оширилишининг назоратга олиниши» мавзусидаги маърузаси тингланди.

Республика кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси Ю.Раҳимжоновнинг «Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш» мавзусидаги маърузасида меҳнат муҳофазаси вакилининг ҳуқуқларини кафолатлаш бобларини шарҳлаб берувчи йўриқномага риоя қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар бериб ўтилди.

Семинарда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси ҳолатларини яхшилаш бўйича ваколатли жамоа вакилларига йил давомида ойма-ой бажарадиган 1-ойлик намунавий иш жадвали тақдим этилди.

З.ЎРИНБОЕВ, Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси

Абитуриент — 2014

ЎҚИШГА ИШТИЁҚИ БАЛАНД ЁШЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

1 август куни мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар турли соҳаларда етук билим ва малакали, ўз касбининг устаси бўлган илғор мутахассисларга талабни йилдан-йилга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази маълумотларига кўра, бу йил Термиз давлат университетига абитуриентлардан энг кўп — 27 минг 552 ариза тушган, Жиззах давлат педагогика институтига 22 мингдан зиёд, Андижон давлат университетига 21 мингга яқин, Қарши давлат университетига 20 минг 656, Тошкент давлат педагогика университетига 19 минг 720 ариза қабул қилинган. Буларнинг барчаси Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз таълим тизимида кечаётган ислоҳотлар ёшларнинг билимга чанқоқлиги, олий маълумот олишга бўлган интилишини тобора кучайтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини намоён этмоқда.

Шу билан бирга, абитуриентлар ўтасидаги танлов Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалида 1 ўринга 20,7 кишини, Қарши давлат университетида бир ўринга 16,6, Термиз давлат университетида бир ўринга 16,3, Гулистон давлат университетида бир ўринга 15,4 нафарни ташкил этиб, бу мамлакатимиздаги энг юқори кўрсаткич бўлди.

Таълим соҳасидаги ислоҳотлар жараёнида реал иқтисодиётнинг турли жабҳалари, меҳнат бозоридаги мавжуд талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда юқори малакали мутахассислар тайёрлашга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Ўқув-тарбиявий ишлар муттасил тарзда такомиллаштирилиб, жаҳон андозалари ва замон талабларига мос бўлган таълим стандартлари амалиётга жорий этилмоқда. Фан, таълим, ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциялашуви таъминланаётгани ёшларнинг билим олишга интилиши тобора ортишига туртки бермоқда. Ҳар йили ижтимоий-иқтисодий жабҳалар учун долзарб бўлган соҳалар бўйича янги ихтисосликларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2014-2015 ўқув йилида Тошкент архитектура-қурилиш институтида «Қиймат инжиниринги», Тошкент давлат аграр университетида «Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси» каби янги йўналишларнинг очилгани фикримизнинг далилидир.

Янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида навқирон авлодда мутлақо янгича тафаккур, дунёқараш, ўқишга алоҳида масъулият ва иштиёқ шаклланди. Эдиликда ҳар бир йигит-қиз баркамол, юрт корига яровчи шахс бўлиб вояга етиш йўлидаги эзгу орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари рўёбини, келажаги, тақдирини пухта ва мукаммал, замонавий талабларга тўлиқ жавоб берувчи таълим, етук мутахассисликка эришиш йўлида олинган билим, Ватан равнақи, унинг гуллаб-яшнаши йўлида ғайрат қилиш, изланиш, муносиб меҳнат билан уйғун ҳолда кўрмоқда.

(Давоми 4-саҳифада).

Касаба уюшмалари: фаолиятга янгича ёндашув



Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

Хоразм замини бугун улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Ҳар тонг янги хушхабарга доя бўлаётир. Ҳар бир юракда шукроналик, яратувчанликка иштиёқ жўш урмоқда. Ҳазораспда ишлаб чиқарила бошлаган «Орландо», Урганч экскаватори, велосипедлари ва яна кўплаб янги саноат маҳсулотлари воҳадаги юксалишлардан нишона.

ИМКОНИЯТ ВА КУЧЛИ ҲИМОЯ КАФОЛАТИ

2014 йилга мўлжалланган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш мақсадида қуйи ташкилотларга амалий ёрдамни кучайтириш, нодавлат сектор тизимидаги корхоналарда касаба уюшмаларининг янги ташкилотларини тузиш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини йўлга қўйиш, аъзолик афзалликларини асослашга қаратилган тарғибот ишлари ўз самарасини бермоқда. Бу жараёнда бошланғич ташкилотлар фаолиятини тубдан яхшилашга асосий эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Агар, касаба уюшмаларини улкан бир дарахтга қиёсласак, бошланғич ташкилотлар теран

томирлар вазифасини бажаришини кўрамиз. Вилоятимизда 2014 йил давомида бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам билан чиқиш жадвали тасдиқланди. Ҳар ҳафтанинг сешанба куни «Бошланғич ташкилотлар куни» деб эълон қилинди. Шу асосда жорий йилнинг биринчи ярмида 280 дан зиёд ташкилотлар фаолияти ўрганилди ва уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Жумладан, касаба уюшма ташкилотларида олиб борилаётган ишларни тарғиб қилиш, тажриба алмашиш мақсадида агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Янгибозор туман кенгаши, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар, Боғот туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар ўрганилди, давра суҳбатлари ташкил этилди. Фаолияти намунали деб топилган Хива туманидаги 97-мактаб-интернат касаба уюшма ташкилотида вилоят касаба уюшма фаолларининг бир кунлик ўқув-семинари ташкил қилиниб, иш тажрибаси оммалаштирилди. Шунингдек, 60 нафар жамоатчи фаол «Масофавий таълим тизими» дастури асосида ўқитилди ва уларнинг билимлари синовдан ўтказилди.

Кейинги пайтларда ҳар бир меҳнатқашни ҳимоя билан қамраб олиш масаласи касаба уюшмалари олдидаги асосий вазифалардан бирига айланган бўлиб, ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда янги ташкилотларни тузиш, айниқса, бу ишларни нодавлат сектор тизимидаги корхоналарда ташкил этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 449 та ташкилот тузилиб, 2457 нафар ходим касаба уюшмасига жалб этилди.

Маълумки, Бош келишувда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси, мустақил Ўзбекистон манфаатлари биринчи ўринга қўйилиши таъкидланган. Эндиликда ушбу муҳим ҳужжат асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг ифодаси сифатида аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда. Бош келишув ижтимоий шерикликнинг олий кўриниши бўлибгина қолмасдан, жамоатчилик назоратини олиб боришда ҳам муҳим омил вазифасини ўтамоқда.

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ижтимоий шериклик асосида ҳар бир касаба уюшма аъзосини ижтимоий ҳимоя, меҳр ва эътибор билан қамраб олиш чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда минтақавий ва 11 та тармоқ келишуви, 7461 та жамоа шартномаси имзоланди. Жамоа шартномалари билан 265280 нафар ишчи-хизматчи қамраб олинди.

(Давоми 2-3-саҳифаларда).

Касаба уюшмалари:

ФАОЛИЯТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ishonch
2014-yil 2-avgust № 93 (3442)

■ Ўз касбининг моҳир эгалари

Пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан тизимдаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ёш мутахассислар ўртасида «Энг фаол ёш алоқачи», «Энг фаол ёш дастурчи» танловларининг республика босқичи ўтказилди.

Ғоя ва ишланмалар эътирофи

Унда мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган ҳамда илғор инновацион ғояларга эга бўлган 24 нафар ёш мутахассис беллашди. Мазкур танловлар шуниси билан аҳамиятлики, тармоқ тизими ва корхоналар тараққиётига хизмат қилувчи ишланмалар, илмий-техник лойиҳалар, ихтиролар, шунингдек, илмий мақолалар, ишлаб чиқариш лойиҳалари ва ҳисоботлар холис баҳосини олди.

Тадбирда сўз олганлар бугун мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига кенг имконият яратилганлиги, уларнинг орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидор эгаларини рағбатлантириш ҳукуматимизнинг доимий диққат-марказида эканлигини таъкидлади. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилаётган бундай танловлар ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, инновацион ғоя, лойиҳа ва технологияларни ҳаётга татбиқ этиш имконини бериши, бунинг натижасида янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилганлиги қайд этилди.

Ёш мутахассислар тақдим этган ишланмалар кўриб чиқилиб, ғолибликка муносиб лойиҳалар аниқланди.

Унга кўра, «Йилнинг энг фаол ёш алоқачиси» танлови бўйича 1-ўринга «Unicon.uz» ДУК Радиоалоқа, радиоэшиттириш, телевидение ва электромагнит мослашуви илмий-тадқиқот департаменти Электромагнит мослашув таҳлил хизматининг 1-тоифали муҳандиси А.Атаниязов лойиқ деб топилди. 2-ўрин «Ўзбектелеком» АК «ҚҚР ТТТ-6» филиалининг ишлаб чиқариш лабораторияси муҳандиси М.Алимовга, 3-ўрин «Ўзбектелеком» АК Наманган филиали АМТС гуруҳи бошлиғи М.Бобоназаровга насиб этди.

«Йилнинг энг фаол ёш дастурчиси» танловида 1-ўринга Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Аудиовизуал технологиялар» кафедраси ассистенти С.Бекназарова, 2-ўринга ТАТУнинг Самарқанд филиали муҳандис-электрончиси Ш.Мамадалиев, 3-ўринга Абдулла Қодирий номли Навоий АКМ бўлим мудири Б. Абдуллаев сазовор бўлишди.

— Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ёш мутахассислар ўртасида эълон қилинган «Энг фаол ёш алоқачи» танловида ўз ғоя ва ишланмаларим билан қатнашиб, ғолибликни қўлга киритдим, — дейди «Unicon.uz» ДУК Электромагнит мослашув таҳлил хизмати 1-тоифали муҳандиси Азиз Атаниязов. — Лойиҳамда ҳозирги кунда амалда қўлланилаётган анъанавий фотоэлектрик қурилмаларнинг қуёш энергиясини тўғридан-тўғри электр энергиясига айлантириши жараёнида экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган ғояни илгари сурганман. Келгусида ушбу лойиҳани ривожлантириб, янги-янги ишланмалар устида изланишлар олиб боришда давом этаман.

— Мен яратган медиатаълим портали олий таълим тизимида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, медиатаълим элементларидан фойдаланган ҳолда таълим сифатини оширишга кўмаклашиш ҳамда шу йўналишда олиб борилаётган илмий изланишлар, дастурий таъминотларнинг ривожланишига хизмат қилади, — дейди «Йилнинг энг фаол ёш дастурчиси» танлови ғолибаси Саида Бекназарова. — Ушбу тизим нафақат таълим сифатини ошириш, балки турли соҳалар бўйича ўрганувчиларда янги билимларга эга бўлишни таъминлайди ҳамда маълумотлардан тўғри фойдаланиш имконини беради.

Ғолиб ва совриндорлар Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши тизимидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларида «Ўз касбининг моҳир эгалари» танлови ўтказилди.

Муносиблар сараланди

Танловда номзодлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳар томонлама ўрганилиб, энг фидойи, ўз касбидан обрў-эътибор топган, кўп йил меҳнат қилган номзодлар танлаб олинди. Ғолибларга Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Айниқса, вилоят ички ишлар бошқармаси, ИИБ тиббиёт бўлими, ИИБ госпитали, «Ўзсаноатқурилишбанк» Бухоро минтақавий филиалида ушбу тадбир кўтаринки руҳда ўтказилди.

Танловнинг 2-босқичи тармоқ касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгашида ўтказилиб, ғолиблар вилоят босқичига йўлланма олишди.

Б.САИДОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА ИМКОНИЯТ ВА КУЧЛИ

ХОРАЗМ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида «Соғлом бола йили» дастури тадбирлари ва жамоа шартномалари орқали 2450 нафардан зиёд эҳтиёжманд оилалар вакилларига 266125,6 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Албатта, бу маблағлар оилаларнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётганлиги аниқ. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 120 нафар онага 26277,4 минг сўмлик моддий кўмак берилди. Бу эса фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишига баҳоли қудрат ҳиссадир. Қолаверса, ижтимоий шериклик асосида олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 11 нафар талабанинг шартнома пуллари бир қисмини қоплашга 26906 минг сўм, эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатларини қоплаш учун 78 та оилага 2545,5 минг сўм сарфланди. Ходимлар фарзандларига чет тилларини ўргатиш учун 10 нафар оилага 1800 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Ёш авлоднинг илм-фан чўққиларини забт этишларига кўмаклашиш орқали уларнинг буюк аждодларга муносиб ворис, юртимиз тараққиётига хизмат қилувчи комил инсонлар бўлиб етишишини таъминлаш йўлида касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган бу каби чора-тадбирлар меҳнаткашлар томонидан илиқ кутиб олинмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 29 та оилага 1009250 минг сўмлик фоизсиз ссудалар берилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда касб-ҳунар коллежларининг амалиётчи талабалари ва битирувчиларига ажратилаётган моддий ёрдамлар ўзини оқламоқда. Бу ёшларнинг касб-ҳунар эгаллашга қизиқиш ва иштиёқи ошишига, жамиятда ўз ўринларини топишига хизмат қилмоқда. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан 2013-2014 ўқув йили битирувчиларидан 950 нафарига амалиёт ўташ даврида энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида 18257.5 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Кўпни кўрган нуроний инсонлар ҳам касаба уюшмалари эътиборида бўлиб, хусусан, ёлғиз, кекса кишиларнинг маиший эҳтиёжи, соғлиги ва моддий аҳволи мунтазам ўрганиб борилмоқда. Тармоқлар, бошланғич ташкилотлар томонидан ҳам ёши улуғ инсонларга мунтазам равишда манзилли ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоий ҳимоянинг муҳим кўринишларидан саналади. Шу боис бу жараён қасаба уюшмаларининг доимий диққат марказида. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида вилоятда 30781 та янги иш ўрни яратилди. Муҳими, дастур асосида янги иш ўринлари ҳақиқатан яратилганлиги мониторинг қилиб борилмоқда. Жумладан, 2014 йилнинг иккинчи чораги давомида касаба уюшма органлари томонидан 218 та корхона ва ташкилотда 1343 та янги иш ўрни барпо этилганлиги ўрганиб чиқилди.

Бугунги кунда 64 та корхонада 655 нафар касаначи меҳнатидан фойдаланилмоқда. Уларнинг барчаси касаба уюшма аъзолигига жалб қилинган ва ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ҳимоя билан қамраб олинган.

Маънавий, маърифий ва спорт тадбирлари уюштириш касаба уюшмаларидан алоҳида масъулият талаб қилади. Биринчи ярим йилда 1604 та бошланғич касаба уюшма ташкилотида намунавий мавзуларда «Маънавият соатлари» ташкил қилиниб, уларга 144588 нафар касаба уюшма аъзоси жалб қилинди.

«Истиқлол ғунчалари», «Энг фаол ёш мутахассис», «Ўз касбининг моҳир устаси» каби турли ёшдаги касаба уюшма аъзолари ва уларнинг фарзандлари иқтидорларини муносиб рағбатлантиришга қаратилган кўрик-танловларнинг нуфузи йил сайин ошиб бораётир. Вилоятимизда ушбу танловлар кўтаринкилик билан ташкил қилинди ва янги-янги салоҳият эгалари кашф этилди.

Касаба уюшмаларининг болаларга кўрсатаётган эътибори, улар учун ташкил қилинаётган маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирлари кўлами тобора кенгаймоқда. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши томонидан Хива туманидаги 20-»Меҳрибонлик» уйида «Мурувват» ва «Меҳрибонлик» уйлари касаба уюшмалари эътиборида» тадбири уюштирилди. Тадбирга шоирлар, санъаткорлар ташриф буюрди. «Меҳрибонлик» уйига 2 миллион 852 минг сўмлик компютер жамланмаси туҳфа қилинди. Шу куни камхарж, боқувчисини йўқотган оила фарзандларидан 474 нафарига ўқув қуроллари, кийим-кечаклар, китоблар ва ширинликлар совға қилинди. 650 нафар ўқувчининг музей, маданият ва

ЎЗИМИЗНИНГ ХОМ АШЁДАН

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қошида «Xorazm kasaba tekstil» шўъба корхонаси ташкил қилиниши ўн кишининг доимий иш ўрнига эга бўлишини таъминлади.

Корхона май ойида фаолиятини бошлади. Бунинг учун бирлашма биносининг биринчи қаватидан жой берилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ажратилган 33 миллион сўм маблағга зарур дастгоҳлар — 10 та тикиш машинаси, қирқиш машинаси, 2 та оверлок, распашиловка, дазмоллар харид қилинди. Июн ойида тўрт, июл ойида яна олти киши иш билан таъминланди. Ишга асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва уйда ўтирган аёллар жалб қилинди. Аёлларга қулайлик яратиш мақсадида улар фаолияти касаначилик асосида йўлга қўйилди. Ишчилар махсус кийим билан таъминланди.

Миллий хом ашёдан газлама ишлаб чиқараётган «Урганч бахмал» корхонаси билан шартнома тузилиб, чит ва бошқа газламалар олинди. Эндиликда улардан ётоқ жилдлари, футболкалар тикилмоқда. Қолдиқлардан эса ёстиқчалар тикилиб, исрофга йўл қўйилмаяпти.

Корхонада касб-ҳунар коллежлари талабалари амалиёт ўташи учун ҳам имконият яратилди. Хусусан, Тошкент шаҳар имкониятлари чеклган шахслар учун ихтисослаштирилган республика касб-ҳунар коллежи ўқувчисига амалиёт жараёнида иш ҳақи ҳам тўланди.

Тикувчи-бичувчи Муяссар Қурбонова, тикувчилар Умида Қораева, Муқаддас Отажонова, Дилноза Рўзметова касб сирларини тез ўзлаштириб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишмоқда.

«Автомобилчи» оромгоҳи биринчи харидорлардан бўлди. Улар ёзги мавсумда дам олувчи болалар учун 100 дона футболка харид қилишди. Ахир, табиий матога кимнинг иши тушмайди дейсиз! Яқинда эса Хонқа болалар санаторийси раҳбарлари шартнома тузиш мақсадида корхонамизга ташриф буюришди. Маҳсулотларнинг сифатли ва арзон эканлигини эшитган харидорлар бирин-кетин буюртма беришни бошлашди.

Ниятларимиз катта. Тез орада иш қўламини кенгайтириб, яна ўн кишини иш билан таъминлаймиз.

Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ,
«Xorazm kasaba tekstil» шўъба корхонаси директори

Хоразмда амалга оширилаётган улкан қурилишлардан элдошларимизнинг хабари бор. Хўш, ушбу бунёдкорликларда фаол иштирок этаётган қурувчилар меҳнати қай даражада рағбатлантирилмоқда? Улар учун муносиб иш ва дам олиш шароитлари яратилганми?

БУНЁДКОРЛИКДА ҲИССАМИЗ БОР

Ўзбекистон транспорт ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Хоразм вилоят ташкилотларининг бирлашган қўмитаси ташкил қилиниши ушбу саволларга ижобий жавоб бериш имкониятини яратди. Қурилиш ташкилотларининг барчасида бошланғич ташкилотлар тузилиб, қурувчи-ю муҳандислар аъзоликка жалб қилинди. Бугунги кунда 190 та нодавлат ташкилотда ишловчи касаба уюшмамиз аъзолари сони ўн минг тўрт юздан ошди.

Сафимизда йўлсозлар, транспорт хизмати кўрсатувчилар ҳам бор. Эндиликда бошланғич ташкилотларимизда жамоа шартномалари орқали касаба аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан қатор чоралар кўрилмоқда.

Наврўз байрами муносабати билан Қўшкўпир тумани қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежи ишчи-ходимлари ва ўқитувчиларига, Боғот туман қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежи ишчи-ходимлари ва ўқитувчиларига, Хонқа туман қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежи жамоасига совға-саломлар тақдим этилди. Шунингдек, «Хива – Лендер Сервис» шўъба корхонасидаги аъзоларимизга моддий ёрдам кўрсатилди.

«Касаба уюшмалари — фахрийларига» акцияси доирасида «Хоразм-автойўл» тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 6 нафар байналмилалчи жангчи касаба уюшма қўмитаси томонидан тақдирланди.

Бошланғич ташкилотларда спорт ишларини янада ривожлантириш, аъзоларнинг спортга бўлган иштиёқини ошириш мақсадида спорт анжомлари, яъни шахмат, шашка, домино ва тўплар сотиб олинди.

Касаба аъзолари ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш юзасидан ҳам муайян чоралар кўрилмоқда. Йилнинг ўтган даврида ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 35 та, касаба уюшма бюджети ҳисобидан 36 та йўлланма олиниб, тасарруфимиздаги ташкилотлар ишчи-ходимлари ва уларнинг ота-оналари ҳамда оила аъзолари санаторийларда дам олдирилди.

Соҳа ходимларининг 100 нафар фарзанди Тошкент ҳамда Қашқадарё вилоятларидаги оромгоҳларга юборилди. Вилоятдаги «Автомобилчи» ва «Шодлик» оромгоҳларида 75 нафар бола мазмунли ҳордиқ чиқарди.

Саёҳат — жонга роҳат. Қўмитага қарашли касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва ишчи-хизматчиларининг Хива шаҳрига саёҳати ташкил этилди. Айни кунларда ишчи-хизматчиларнинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига жамоавий саёҳатини уюштириш режалаштирилмоқда.

Маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Жумладан, «Эзгулик ғояси билан яшаш менинг инсоний бурчим», «Соғлом турмуш тарзи ва ёшлар тарбияси», «Наврўз — элнинг эзгу қадрияти», «Ёшлар маънавий баркамоллигига барчамиз масъулмиз», «Касб маънавияти», «Бунёдкорлик йўлида» мавзуларида маънавият соатлари, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Бу орқали юртимиздаги бунёдкорликларга ҳисса қўшиб, воҳанинг янада гўзал қиёфа касб этишига қўмақдош бўляпмиз.

Камолиддин РЎЗМЕТОВ,
Ўзбекистон транспорт ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Хоразм вилоят ташкилотлари бирлашган қўмитаси раиси

ЭЗГУЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН

Кейинги йилларда бошланғич ташкилотлар фаолиятини тубдан яхшилаш, низом талаблари асосида иш юритишларини таъминлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар АСМ ходимлари касаба уюшмаси Боғот туман кенгашида ҳам самарасини бермоқда.

Тасарруфимиздаги «Тошсоқа» ирригация тизими бирлашмасида 232 нафар касаба уюшма аъзоси меҳнат қилади. Бошланғич ташкилот томонидан маъмурият билан ҳамкорликда аъзолар манфаатдорлигини таъминлаш юзасидан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айтайлик, бу йил 230 ходимга 45 миллион сўм миқдорида мукофот пули, 43 ходимга моддий ёрдам ажратилди. 18 нафар аёлга қимматбаҳо совғалар олиб берилди. Бир ходим касаба уюшма маблағлари ҳисобидан «Чинобод» санаторийсида соғломлаштирилди. Наврўз байрами муносабати билан оммавий спорт мусобақаси ўтказилди.

Умуман, жамоа шартномаси бандларининг тўла ижро қилиниши туфайли эндиликда ҳар бир ходим касаба уюшмасидан миннатдор.

Тасарруфимиздаги барча бошланғич ташкилотлар низом талаблари асосида фаолият юритишига эришиш мақсадида доимий равишда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдамиз. Яқинда «Боғот дон» акциядорлик жамиятида «Истиқбол концепцияси» мавзусида маънавият соати ташкил қилдик. Унда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси асосида кейинги йилларда амалга оширилган улкан ишлар, қўлга киритилган муваффақиятлар хусусида сўз борди. Корхона раҳбари Б.Раҳматуллаев, бош муҳандис Э.Авезов, бош иқтисодчи Э.Йўлдошев ва бошқалар юз бераётган ўзгаришларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида гапирдилар.

Ушбу корхонада 115 киши меҳнат қилади. Улар манфаатлари касаба уюшмаси ҳимоясида.

Ўз навбатида, туман кенгаши томонидан уюштирилаётган маънавий-маърифий, спорт тадбирларига барча бошланғич ташкилотлардан вакиллар жалб қилинмоқда. Айтайлик, яқинда мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Боғот агросаноат касб-ҳунар коллежида Оллаёр полвон Латипов хотирасига бағишланган дзюдо бўйича очиқ турнир ташкил қилдик. Турнирда барча жамоалар вакиллари ўзларининг ғалабага бўлган иштиёқини намойиш қилдилар. Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

Туман кенгашимиз «Соғлом бола йили» дастури ижросини таъминлаш юзасидан муайян чоралар кўрмоқда. Жумладан, жамоа шартномалари орқали икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 8 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди. Бошланғич ташкилотлар томонидан 54 нафар касаба уюшма аъзосига фарзандлари учун ўқув қуроллари олиб берилди. Кам таъминланган 42 оилага касаба уюшма ҳисобидан манзилли кўмаклашилди. Амалиёт ўтаган коллеж ўқувчиларидан 25 нафарига моддий ёрдам ажратилди.

Умуман, бугунги кунда ёшларга қаратилаётган эътиборга ҳамоҳанг тарзда, қўшимча чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, бир қатор ишлар қилинмоқда. Туман мудофаа ишлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Ёш чегарачи» мусобақаси ташкил қилинди. Мақсадимиз, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янги поғонага кўтаришдир.

«Йилнинг энг фаол ёш фермери» кўрик-танловининг туман босқичи иқтидор эгалари учун ўзига хос имкон бўлди. Унда «Искандар бахши» фермер хўжалиги раҳбари Дилмурод Нурметов ғолибликни қўлга киритди.

Фарзандларимизнинг ёзги таътилни кўнгилли ўтказишларига кўмаклашиш мақсадида туманимизда учта оромгоҳ ташкил қилиниб, уларда 870 бола соғломлаштирилди. Жумладан, тармоқ тасарруфидаги «Истиқлол» оромгоҳида уч мавсумда 240 нафар бола дам олдирилиб, уларнинг ҳар бир куни сермазмун ўтиши учун кўплаб тадбирлар уюштирилди.

Фаолиятимизнинг қайси йўналишини таҳлил қилмайлик, уларнинг барчаси бир мақсадга — меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг бахтли, фаровон ва соғлом турмуш кечиришларига йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

О.ЭГАМОВ,
АСМ ходимлари касаба уюшмаси Боғот туман кенгаши раиси

Ishonch
2014-yil 2-avgust № 93 (3442)

АЗИЗДИР ИНСОН!

ВИЛОЯТИ ҲИМОЯ КАФОЛАТИ

истироҳат боғларига саёҳати уюштирилди. «Биз мустақиллик фарзандларимиз» шиори остида «SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси Хоразм филиали тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оила фарзандлари ҳамда турли мусобақа ғолибларидан иборат 40 нафар боланинг Хива шаҳридаги «Ичонқалъа» музей қўриқхонасига саёҳати уюштирилди.

Болаларни ёзги соғломлаштириш, оромгоҳлар фаолиятини намунали ташкил қилиш масаласи ҳар қачонгидек диққат эътиборимизда. Ўтган даврда вилоятимиздаги 36 та оромгоҳда 11 минг 190 нафар бола соғломлаштирилди. Шунингдек, Тошкент вилоятидаги оромгоҳларда 1250 нафар, Қашқадарёда 250 нафар ўғил-қиз дам олдирилди. Улардан 84 нафари «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиларидир.

Ходимларни соғломлаштириш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Шу ўринда кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий имкониятлари юксалиб бораётганлиги нафақат турмуш фаровонлигида, балки уларнинг ўз соғлигига бўлган эътиборида ҳам акс этаётганлигини кўриш мумкин. Бундан ўн йиллар муқаддам санаторийларга йўлланма сўраб мурожаат қилувчилар нисбатан кам бўлганлигини ўша даврларда фаолият кўрсатганлар яхши билишади. Бугунги кунда эса мурожаатлар сони тобора ортиб бормоқда. Йилнинг ўтган даврида ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан 466 нафар, касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 620 дан ортиқ аъзолар санаторийларда соғломлаштирилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури юзасидан 2014 йил Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ижтимоий суғурта бюджет кўрсаткичларида белгиланган тадбирларни бажариш мақсадида фермерларга 2 та, таълим ходимларига 2 та, эҳтиёжманд аёлларга 9 та, тиббиёт ходимларига 3 та йўлланма бепул, фарзанд кўрмаган ёшлар учун «Умид гулшани» санаторийсига 10 та йўлланма имтиёзли тарзда ажратилди.

Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, муносиб иш шароитлари яратиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Бундай кенг қамровли фаолият натижасида меҳнаткашларнинг касаба уюшмаларига ишончи ортиб бораётганлигини кейинги йилларда мурожаатлар сонининг ортганлиги мисолида кўришимиз мумкин. Жумладан, 2014 йилнинг биринчи ярми мобайнида бирлашма юридик бўлими томонидан 43 та ёзма мурожаат кўриб чиқилди, шундан 20 та мурожаат аёллар томонидан йўлланган бўлиб, мурожаатларнинг аксарият қисми ижобий ҳал қилинди ва муаллифларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Шу даврда 138 та оғзаки мурожаат рўйхатга олинди. Уларнинг 87 таси аёлларга тегишлидир. Шулардан 32 та мурожаат жойига чиқиб ўрганилиб, ижобий ҳал қилинди ва қолганлари бўйича тегишли тартибда юридик ёрдам кўрсатилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг 228-84-15 рақамли «Ишонч телефони» орқали жами 92 та мурожаат рўйхатга олинди. Шундан 42 таси аёлларга тегишли бўлиб, муаллифларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар ва тегишли тушунтириш ҳамда тавсиялар берилди.

Олдинда бизни янада улкан вазифалар кутмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигини муносиб кутиб олиш, меҳнаткашлар манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш бундан буён ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолади.

Камолжон БЕКЧАНОВ,
Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари

Касаба уюшмалари томонидан аъзолар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлардан кўпчилик мамнун. Қолаверса, фаолияти давомида турли ютуқларни қўлга киритаётган ходимлар, фан олимпиадаларида ғолибликка эришган иқтидорли ўқувчиларнинг бепул соғломлаштирилаётганини меҳнатга муносиб рағбат, иқтидорнинг юзага чиқишида муҳим омил сифатида баҳолаш мумкин.

БЕПУЛ ДАМ ОЛДИМ



Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг маънавият тарғиботчиларини соғломлаштиришни ташкил этиш тўғрисидаги қарорига асосан, «Умид гулшани» санаторийсида бепул дам олдим.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда касаба уюшмалари томонидан миллий истиқлол ғояси, миллий маънавиятимизни тарғиб қилиш, айниқса, ёшларнинг миллий ўзлигини англашига қўмаклашиш, буюк аждодлар авлоди эканлиги билан фахрланиш ҳиссини шакллантириш, Ватанга муҳаббатларини янада юксалтириш борасида амалга ошираётган ишлари таҳсинга сазовордир. Шу мақсадда ташкил қилинаётган «Маънавият соатлари», кўплаб маданий тадбирлар катта аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги камтарона ҳиссамизни рағбатлантириб, мукофотга лойиқ деб ҳисоблашлари зиммамиздаги масъулиятни янада оширди.

Шу ўринда санаторийдаги шарт-шароитлар, юқори даражада кўрсатилган хизмат, соғломлаштириш тадбирлари учун алоҳида миннатдорлик билдиришни истардим.

Шарқия АҲМЕДОВА,
Хазорасп туман педагогика касб-ҳунар коллежи маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари

Реклама ўрнида

Молиявий кўмак

DAVR-BANK

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга кенг эътибор қаратилиб, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий устувор вазифаларидан бири сифатида эътироф этилди. Истиқлол туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган маблағлар ҳажми ўсиб бормоқда. Бу, шубҳасиз, жойларда тадбиркорлик учун қулай бизнес муҳити яратилгани, ажратилаётган кредитлар, авваламбор, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун узоқ муддатли кредитлар ҳажми оширилгани, шунингдек, кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланганги билан чамбарчас боғлиқдир.

Мижозлар манфаати йўлида

Хусусан, ХЁАТБ «Давр-банк» Чилонзор филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 6 ойи давомида барча молиялашган манбалар ҳисобидан жами 7 млрд. 471 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг миқёсли тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилаётган ишлар моҳиятини кенг тушунтириш имконини бераяпти. Хусусан, кичик бизнес субъектларига, шу билан бирга, ўз ишини бошлаётган ёш тадбиркорларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида малакали мутахассислар томонидан кредитлар ажратиш, банк хизматлари кўрсатиш юзасидан мижозларга зарур маслаҳатлар берилаяпти. Жумладан, банк томонидан кичик бизнес субъектларини ривожлантиришга 5 млрд. 200 млн. сўм кредит маблағи йўналтирилди.

— Тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида «Давр-банк»нинг Чилонзор филиалига бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Бизнес лойиҳам маъқуллангач, менга банк томонидан 1 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди, — дейди «Charm Attor» МЧЖ раҳбари Маҳмуд Абидов. — Олинган кредит эвазига пойабзал ишлаб чиқариш учун янги ускуналар ва цех қурилишига материаллар сотиб олдик. Фаолиятимизни йўлга қўйиш натижасида 57 киши ишли бўлди. Ишлаб чиқараётган ёзги ва қишки пойабзалларимиз ҳарбий хизматчилар учун мўлжалланган. Бундан ташқари, корхонамизда ҳарбийлар учун махсус сумка ва камарлар тайёрланмоқда. Эндиликда банкнинг молиявий кўмагида ишлаб чиқариш турини кўпайтириш ҳаракатидамиз.

Мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Натижада, сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни, тадбиркор аёлларнинг иқтисодий жараёнлардаги фаоллиги тобора ошиб бормоқда. Хусусан, «Давр-банк»нинг Чилонзор филиали томонидан жорий йилнинг ярим йили давомида тадбиркор аёлларга 561 млн. сўм кредит ажратилди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини изчил ошириб бориш ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Бу борада «Давр-банк»нинг Чилонзор филиали томонидан ажратилаётган ипотека ва истеъмол кредитларининг ўрни катта аҳамият касб этяпти. Айтиш жоизки, ушбу мақсадлар учун 200 млн. сўм кредит маблағи ажратилди.

Шу билан бирга, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, моддий ва маънавий жиҳатдан уларни янада қўллаб-қувватлаш учун 24 млн. сўм миқдорида кредит маблағи йўналтирилди. Ёш оилаларга уларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиялаш учун 70 млн. сўм ажратилди.

Шу ўринда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун банк филиали томонидан 1 млрд. 21 млн. сўм миқдорида кредитлар берилганини таъкидлаш лозим. Банк томонидан йўналтирилаётган ушбу миллиардлаб маблағлар сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишларига яқиндан кўмаклашиш, бу борада уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида банк филиали томонидан 25 млн. сўм кредит маблағи ажратилди.

Маълумки, банк кредитлари орқали аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ўсишини таъминлаш, иш билан бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни янада ривожлантириш, оилавий бизнес ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, «Давр-банк»нинг Чилонзор филиали томонидан оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш учун 60 млн. сўм кредит маблағи йўналтирилди. Шунингдек, банк филиали томонидан 888 млн. сўм микрокредит маблағлари ажратилди.

Хулоса қилиб айтганда, банк тизимининг молиявий кўмаги асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик борган сари иқтисодиётимизнинг муҳим бўғинига айланмоқда. Бу эса мамлакатимизда иқтисодий тараққиёт йўли тўғри танланганидан яна бир далолатдир.

Банк материаллари асосида тайёрланди

Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта, бу бежиз эмас. Боиси, мамлакатимизда сайёҳлик кўлами катта ва тарихий қадамжолар, зиёрат қилишга, бориб кўришга арзигулик табиат манзаралари ниҳоятда кўп.

ЮРҒАН ДАРЁ

Илгарилари саёҳатчилар юқори савиядаги хизматлардан бахраманд бўлиш имконига эга эмасди. Баъзилар йўлга чиққан автобусларининг ўзида, айримлар бирор кишининг уйини ижарага олиб тунни ўтказишга мажбур бўлишарди. Табиийки, кўнгилли ҳордиқ чиқарилмагандан кейин, саёҳат унчалик татимасди. Касаба уюшмалари томонидан туризмни ривожлантириш, бу хизмат турини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар белгиланиб, амалга оширилиши меҳнаткашларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ифодаси бўлди.

Федерация қошида ташкил қилинган «Kasaba sayr» шўъба корхонаси ҳам ходимлар ва улар оила аъзоларининг республикамиздаги турли тарихий шаҳарлар ҳамда диққатга сазовор қадамжоларга жамоавий сайёҳатларини уюштиришга киришгани сайр қилиш иштиёқидаги юртдошларимиз сонининг ошишига сабаб бўлди. Эндиликда касаба аъзолари борган манзилларида барча қулайликларга эга меҳмонхоналарда дам олиш, махсус транспортлардан фойдаланиш имконидан бахраманд бўлмоқдалар.

Қисқа вақт ичида республикамизнинг турли ҳудудларида яшовчи соҳа ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун хоҳиш ва истакларидан келиб чиққан ҳолда саёҳатлар ташкиллаштирилмоқда. Жумладан, Тошкент, Фарғона, Наманган, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд вилоятларидан бир гуруҳ саёҳатчиларнинг қадимий ва навқирон Хива шаҳрига саёҳатлари уюштирилди.

Саёҳатчилар очиқ осмон остидаги музейлар шаҳри бўлмиш Хивадаги «Ичон — қалъа» музей қўриқхонасида жойлашган маданий меросимиз, тарихимиз ва тарихий обидаларимиз, муқаддас қадамжоларимизни зиёрат қилиб, бир олам таассуротлар билан қайтмоқдалар. Шўъба корхонамиз томонидан саёҳатчилар учун барча шарт-шароит яратишга, сифатли хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва маданий-маърифий тадбирлар ҳам ташкиллаштирилмоқда.

Юртимизга ташриф буюрган саёҳатчилар Хоразм маданий меросини томоша қилиш билан бир қаторда миллий санъатимиз билан ҳам яқиндан танишмоқдалар. Жумладан, Хива туман маданият ва спорт ишлари бўлими қошида ташкил қилинган «Сайқал» оилавий фолклор ансамбли иштирокида Хоразм миллий халқ термалари, қўшиқлари ва халфачилик репертуарларидан таркиб топган бадиий тадбирлар намойиши барчада катта таассурот қолдирмоқда.

Меҳмонларни янгидан бунёд этилган, жамоли кўзни қамаштирадиган Урганч темир йўл вокзалида кутиб олар эканман, ҳар safar қалбим ифтихорга тўлади. Уларни Урганч шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан фахрланиб таништираман. Ал Хоразмий кўчасидаги, Шовот канали атрофидаги, янги бунёд этилаётган «Ёшлик» шаҳарчасидаги, «Ёшлар кўли»да амалга оширилган бунёдкорликлар ҳақида ғурурланиб, гапириб бераман.

Шўъба корхонамиз нафақат меҳмонларни кутиб олиш билан шуғулланади. Вилоятимиз меҳнаткашларининг Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва бошқа шаҳарларга, тарихий зиёратгоҳларга саёҳатларини ҳам уюштиради. Уларнинг бир дунё таассуротлар билан қайтганларини кўриб, хайрли ва савобли ишларимизни янада кенг кўламда давом эттиришга рағбат ва иштиёқ сезамиз.

Дилдора РАЗЗОҚОВА,
«Kasaba sayr» шўъба корхонасининг Хоразм вилояти бўйича вакили

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан аъзолар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган эътибор меҳнаткашларнинг юз-кўзларида ёғилиб турган нурда, ижтимоий фаоллигида акс садо бермоқда.

«ҲИДОЯТ» ЖОНГА РОҲАТ

Ўтган йили корхонамизга қарашли «Ҳидоят» унитар корхонаси (соғломлаштириш мажмуаси) замонавий услубда қайта таъмирланди. Қурилиш таъмирлаш ишларида шўъба корхонамизнинг Урганч қурилиш монтаж бошқармаси ишчи-ходимлари иштирок этишди.

Соғломлаштириш мажмуаси ўз фаолиятини бошлаши муносабати билан, корхона ишчи-ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини спорт-соғломлаштириш тадбирларига жалб қилишда кенг имкониятлар яратилди. Ҳозирги кунда «Ҳидоят»да сув спорти, тренажер зал, сув ости массажи, фито чой, мини-футбол, баскетбол, волейбол ва теннис майдонлари мавжуд.

Мажмуада қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида касаба уюшма қўмитаси ҳисобидаги спорт инвентарлари ва спорт тренажерлари «Ҳидоят» УКга бепул фойдаланиш учун ажратиб берилди.

Шунингдек, касаба уюшма қўмитаси корхона ҳисобидан йўналтирилган маблағга абонементлар сотиб олиб, ҳар бир ходимга ойда бир марта бепул тарқатишни йўлга қўйди. Бу эса ишчи-ходимларни спорт-соғломлаштириш тадбирларига кенг жалб қилиш имкониятини яратди. Эндиликда касаба уюшма аъзолари ишдан сўнг мажмуага ташриф буюриб, спорт билан шуғулланадилар, сувда сузадилар. Соғломлаштириш мажмуаси фаолият бошлаганидан буён ходимларнинг касалланиш кўрсаткичлари сезиларли даражада пасайганлиги кузатилмоқда.

Қолаверса, «Ҳидоят» мажмуаси кўплаб спорт мусобақалари ташкил қилиш имконини бермоқда. Бу ходимларни ҳар доим ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишга, ғалаба, муваффақият сари интилишга ундамоқда. Келгусида мажмуа фаолиятини янада кенгайтириш ниятидамиз. Шу мақсадда аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Умрбек МАТКАРИМОВ,
«Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Шу кунларда касаба уюшма қўмитамиз томонидан уюштирилаётган маънавият соатлари «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ташкил қилиниб, уларда истиқлол йилларида қўлга киритилган муваффақиятлар яна бир карра эътироф этилмоқда.

ҚАДР ТОПМОҚ МЕҲНАТДАНДИР

Албатта, истиқлол имкониятлари ҳақида сўз кетганда мисолни узоқдан излашга ҳожат йўқ. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг туман тиббиёт бирлашмалари моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳияти тубдан яхшиланганлигининг ўзи инсон қадри нақадар баландлигидан, фуқаролар бахт-саодати йўлида республика раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликдан нишона. Тиббиёт тизимидаги ислоҳотлар шифокорларимизга қулай шарт-шароитларда фаолият кўрсатиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш имкониятини яратди. Ушбу янгиланишлар Хонқа туманида ҳам жадал суръатларда узлуксиз равишда амалга ошириб келинмоқда. 1992 йил март ойида туман марказида давр талабларига жавоб берадиган 4 қаватли кўп тармоқли марказий поликлиника биноси фойдаланишга топширилган эди. Эндиликда қурилиш-таъмирлаш ишлари давом эттирилиб, қишлоқ жойларида яшовчи аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг бирламчи бўғини ҳисобланган қишлоқ врачлик пунктларини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Барча ҚВПлари «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳалари бўйича замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди.

2013 йилда инвестиция дастури доирасида туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиникаси биноси ва эски акушерлик биносида жами 3538080 сўмлик мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2014 йилнинг биринчи чорагида туман тиббиёт бирлашмаси бўлимлари «Саломатлик-3» дастури буйича жами 202 млн. 887 минг сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Буларнинг барчаси касаба уюшма аъзолари учун муносиб иш шароити яратиш, меҳнатларини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда Хонқа туман тиббиёт бирлашмаси ва унга қарашли даволаш профилактика марказларида 265 нафар врач фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг касб малакаларини ошириш, меҳнатларини муносиб тақдирлаш чоралари кўрилмоқда. Шифокорларнинг 71 нафари олий, 68 нафари биринчи, 28 нафари иккинчи тоифа кўрсаткичига эга, 971 нафар ўрта тиббий ходимнинг 228 нафари олий, 281 нафари биринчи, 69 нафари иккинчи тоифага эга.

Қолаверса, туман соғлиқни сақлаш соҳасида узоқ йиллар давомида фидокорона меҳнат қилиб келаётган тиббиёт ходимлари муносиб тақдирланмоқда. «Ўзбекистон» қишлоқ врачлик пункти болаларни эмлаш ишлари бўйича тиббий бирадар Султонбой Жумабоев, туман марказий шифохонаси кардиология бўлими мудири Аҳмаджон Мадраҳимов, «Дўстлик» қишлоқ врачлик пункти мудираси Муяссар Абдуллаеванинг «Соғлом авлод учун» орденига сазовор бўлганликлари бунга бир мисолдир.

Марказий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларида уюштирилаётган маънавият соатларида шу каби ютуқлар ҳақида сўз юритиб, соҳа ходимлари қалбида юксак қадр ва эҳтиром учун шукроналик туйғусини уйғотмоқдамиз.

Комилжон РАЖАБОВ,
Хонқа туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Қўшсаҳифа материлларини «Ishonch» мухбири Муҳаббат ТЎРАБОЕВА тайёрлади.

Реклама ва эълонлар

МЧЖ шаклидаги «Сурхондарё Ким ошди савдо» корхонаси навбатдаги «Ким ошди» савдосини Термиз шаҳри, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хонада 2014 йилнинг 2, 3, 18 сентябр кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказади.

«Ким Ошди» савдосида қуйидаги автотранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:

I. МХХ Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан савдога чиқарилган:

1. «Mersedes-Benz Actros 1840» русумли, 1998 йилда ишлаб чиқарилган FA 4494 давлат белгили, таъмирталаб ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси — 26 000 000 сўм.
2. «SCHMITZ SKO 24» русумли, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, Р-3074 давлат белгили, таъмирталаб ҳолатдаги ярим тиркама. Бошланғич баҳоси — 9 000 000 сўм.
3. «Нексия» русумли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, 75 L 573 AA давлат белгили, таъмирталаб ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси — 3 200 000 сўм.
4. «Тико» русумли, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, 75 P 334 DA давлат белгили, таъмирталаб ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм.

II. Шеробод туманидаги «Ҳамкор» фермер хўжалиги тугатиш бошқарувчиси томонидан савдога чиқарилган:

1. «Дамас» русумли, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, 19 AE 510 давлат белгили, таъмирталаб ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси — 1 150 000 сўм.

Ким ошди савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар МЧЖ шаклидаги «Сурхондарё Ким ошди савдо» корхонаси билан закалат шартномасини расмийлаштириб, ОАТ Ҳамкорбанкдаги ҳ/р: 20208000104531008004, МФО: 01001, ИНН: 206710579 га сотилаётган автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси 2-қават, 10-хона. Тел/факс: 8-376-223-07-96. Гувоҳнома № 719. Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раҳбарияти Федерацияси Кенгаши аъзоси, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖ Бошқаруви раиси — Бош директори Александр Касимович Фармоновга волидаи муҳтарамаси

Раиса Ивановна ФАРМОНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 2-avgust № 93 (3442)

Назм

САОДАТ СИРИ

Йўлдан урмоқликни ўйламангиз ҳам,
Таъсир қилмас сеҳру-жодуларингиз.
Ўзлигини англаб қулф урган одам
Эгри юрмас, айтмас ҳеч сўз ўринсиз.

Билар менлигини,
Қўймас ўз ҳақин,
Нималардан мақбул юрмоқлик йироқ.
Гарчи ўпка яқин,
Жуда ҳам яқин,
Анча олисдаги жигар яхшироқ.

Таъма назарларнинг шувутдир юзи,
Ўтса қабилида эшаги лойдан.
Бир зум ғафлат босса, ипини узиб,
ووраи сарсон этмиш йўқ жойдан.

Аврамайди кимни жавоҳир, олтин,
Илон комидадир заҳматсиз ҳаёт —
Ўзбек етти ўлчар кесишдан олдин,
Сўрамаслик учун эгиб бош нажот.

Танти — бағрикенглик тақдир қўшгани,
Кўрган-кечиргани сабоқ, имтиҳон.
Ҳеч йўл бермас:
На дўст
Ва на душмани
Таъна қилолмайди,
Изза ҳеч қачон!

Илло, кўнгли тўқнинг насибаси бут,
Орзу-истаклари ғайратга туртки.
Бежиз қаршисида ўпмас ер бургут,
Сақлар чумоли жон кўзга дон суртиб.

Меҳнат майдонида қут бор — барака,
Қўллар қадоғи, бу — ирода юксак.
Ёнмоқ учун пуркаб ёлқин юракка,
Ўзбекона яшаш саодат, бешак.

Йўлдан урмоқликни ўйламангиз ҳам...

Муҳаммад ЗАЙНИДДИН

ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Якшанба куни «Темирйўлчилар куни» касб байрами республикамизда кенг нишонланади.

Сир эмаски, темир йўл тизими бугунги кунга келиб юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, модернизациялаш жараёнларида ҳал қилувчи соҳалардан бирига айланди. Эътироф этиш керакки, буларнинг барчаси Президентимизнинг темир йўл тизимига бўлган катта эътибори туфайлидир.

Байрам муносабати билан Федерация Кенгашининг қарорига биноан кўп йиллик самарали меҳнатлари, ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб меҳнат шароитларини яратиб бериш, шунингдек, касаба уюшмалари нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ касаба уюшма фаолларига эҳтиром кўрсатилди.

Жумладан, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши бош ҳуқуқий маслаҳатчиси Қ.Қирғизалиев, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси Ш.Умарова Федерация Кенгашининг «Фахрий ёрлиғи», «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг «Ўзбекистон» локомотив депоси машинисти, Ўзбекистон Қаҳрамони Т.Иброҳимов, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси «Ўзтемирйўлёнилғитаъмин» бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси З.Азизова Федерация Кенгашининг эсдалик совғаси билан тақдирланди.

Тадбирда Федерация Кенгаши раиси ўринбосари Б.Маҳмадалиев иштирок этди.

А.ҒУЛОМОВ,
Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши бўлим мудири

Танлов

Президентимизнинг 2009 йил 7 апрелда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган эди. Тегишли вазирликлар, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тасарруфидаги ташкилотларда ўтказиб келинаётган мазкур танловдан кўзланган мақсад, авваламбор, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, она юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантиришдан иборатдир.

ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Куни кеча танловнинг Фарғона вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туман, шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 58 нафар қатнашчи миллий қадриятларимиз, тинч ва осуда ҳаётимиз, халқимизнинг бунёдкорлик фазилатлари, истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз, миллий ўзликни англаш мавзусидаги қўшиқлари билан иштирок этди.

Танлов натижаларига кўра, 1-ўрин «Анор» ашула ва рақс халқ ансамблига («Ягонасан, муқаддас Ватан!» қўшиғи учун), 2-ўрин Саодат Тошбековага («Ватаним ягона» қўшиғи учун) ҳамда «Қўқон ёр-ёри» фолклор этнографик халқ жамоасига («Ватан» қўшиғи учун) насиб этган бўлса, 3-ўринга Исмоил Мамажонов («Ўзбекистон — муқаддас замин» қўшиғи учун), Абдулаҳат Гиёсов («Ватан» қўшиғи учун), Зухриддин Аъзамов («Тошкентим» қўшиғи учун) муносиб деб топилди.

Голиблар танловнинг республика босқичида қатнашади.

Назокат АҲМЕДОВА

ЎҚИШГА ИШТИЁҚИ БАЛАНД ЁШЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Йигит-қизларнинг таълим олишга бўлган иштиёқи кучаяётганининг яна бир сабаби олий ўқув юртларида таълим олиш, билимларни бойитиш, зарур маърифий манбаларни топиш учун ахборот-ресурс марказларининг энг сўнгги технологиялар билан таъминланаётгани, талабалар турар жойларида яшаш учун қулай шароитлар яратилаётганидир. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори олий таълим муассасалари фаолиятини жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш, уларни замонавий дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар, илмий лабораториялар билан таъминлашда дастуруламал бўлмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда университетлар, меҳнат бозоридаги талабга кўра янги олий таълим муассасалари ташкил этилиб, уларда ёшлар ўзлари қизиққан йўналиш бўйича мутахассисликка эга бўлмоқда. Бу юқори билим ва малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, барча ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантириш, янги-янги иш ўринларини барпо этиш, халқимиз ҳаёти фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

— Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тезкор давр талабига жавоб берувчи, билимдон, рақобатбардош, бир неча хорижий тилларни пухта эгаллаган мутахассисларга талаб жуда юқори, — дейди Самарқанд давлат университетига ҳужжат топширган Покиза Абдуназарова. — Олий ўқув юртига кириб, ихтисослик сирларини чуқур эгаллаб, ўзим яшайдиган Оқдарё туманининг янада ривожланишига ҳисса қўшиш ниятидаман. Мамлакатимизнинг барча ҳудудида ёшларнинг тўлақонли олий таълим олиши учун зарур имконият ва шароитларнинг бир хил тарзда яратилгани юртимиз келажаги йўлида кўрсатилаётган чексиз эътибордан дарак беради.

Қорақалпоғистонлик Ҳурзиё Нурабуллаева энг шарафли ва масъулиятли касблардан бири — ўқитувчи бўлиш орзусида Нукус давлат педагогика институтининг биология факултетига ҳужжат топширди.

— Президентимиз томонидан ўқитувчилик касбининг мавқеи ва мақомини тобора юксалтириш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда, — дейди Ҳ.Нурабуллаева. — Ушбу касб сирларини мукаммал эгаллаш учун мамлакатимизда етарлича имконият ва шароит мавжуд. Ўқитувчилик касбини пухта эгаллаб, қишлоғимиздаги мактабда болаларга таълим-тарбия беришни мақсад қилганман.

Олий ўқув юртларидаги таълим жараёнини мазмунан бойитиш, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида юртимиздаги мавжуд барча университет ва институтларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада кўзланган режаларни молиялаштириш учун Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш фонди ташкил этилгани, ҳар йили давлат бюджетидан айни шу йўналишларга катта ҳажмдаги маблағлар ажратилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 30 апрелдаги «Республика олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори абитуриентларни олий ўқув юртига саралаш жараёнини бугунги давр талабларига мос тарзда такомиллаштириш имконини бермоқда. Унга кўра, 2014-2015 ўқув йили учун олий ўқув юртлари бакалавриатига қабул қилиш учун ўтказиладиган тест синовларига бир қатор янгиликлар жорий этилди. Масалан, математика фани бўйича тест саволларига информатика ва ахборот технологияларига оид савол ва топшириқлар киритилди. Бунда математика бўйича тест топшириқлари сони 30 тани, информатика ва ахборот технологиялари бўйича эса 6 тани ташкил этади. Ушбу янгилик математикадан тест синовлари топшириладиган барча йўналишларга тааллуқлидир.

Тест синовларига киритилаётган янгиликлардан яна бири — йўналишлар бўйича тест синови топшириладиган фанлар рўйхати қайта кўриб чиқилди ва жами 43 таълим йўналиши бўйича тест синовлари ўтказиладиган фанларга ўзгартиришлар киритилди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ хорижий тиллар бўйича тест синовлари ўтказиладиган таълим йўналишлари сони 35 тадан 59 тага етди.

Мазкур янгиликларни абитуриентлар ва ота-оналарга етказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ходимлари, олимлар, тажрибали педагоглар томонидан олий ўқув юртларида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилди. Ёшлар учун етакчи мутахассислар иштирокида ўқув-консультатив машғулотлар, қўшимча дарслар ташкил этилди. Марказ ходимлари томонидан тест синовларининг тартибли, юқори савияда, белгиланган талаб ва меъёрларга риоя этган ҳолда ўтказилишини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди. Белгиланган бино ва аудиториялар керакли жиҳоз ва ускуналар, ўқув воситалари билан таъминланиб, шай ҳолатга келтирилди. Фанлар бўйича тест топшириқлари шакллантирилди ва юқори малакали мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилди.

Тест синовларини ўтказиш учун 16 минг 100 дан ортиқ аудитория тайёрланди.

Тошкент тиббиёт академиясининг қабул бўлимига талаба бўлиш истагидаги 7 минг 500 дан ортиқ ёшдан ариза тушган. Академия проректори, қабул комиссияси масъул котиби Турдиқул Бобомуродовнинг таъкидлашича, белгиланган режага кўра уларнинг 655 нафари талаба бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 июлдаги «Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори тиббиёт таълими соҳасида муҳим янгиликлардан бўлди. Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факултети негизида мазкур институтнинг ташкил этилиши соҳа учун кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Таълим жараёнида илғор ахборот-коммуникация ва таълим технологиялари жорий этилиши бўлғуси стоматолог мутахассисларнинг назарий тайёргарлигини амалий кўникмалар билан чамбарчас боғлаган ҳолда олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Миллатимиз генофондини соғломлаштириш, жисмонан ва маънан соғлом, баркамол авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёс. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши жамиятимизда соғлом турмуш тарзи ғояларини мустаҳкам қарор топтириш, аҳолининг барча қатлами, айниқса, аёллар ва болаларни оммавий спортга кенг жалб этиш имконини бермоқда.

Тест синовлари Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида ҳам юқори савияда ташкил этилди. Мазкур институтда касб таълими: жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, спорт психологияси, хотин-қизлар спортини ривожлантириш ва бошқа таълим йўналишлари билан бирга бу йил бадминтон ва синхрон сузиш мутахассисликлари бўйича ҳам ёшлардан ҳужжатлар қабул қилинди. Институт қабул комиссияси масъул котиби Баҳром Мусаевнинг айтишича, 4073 абитуриентдан ариза тушган. Белгиланган режага мувофиқ 980 нафар йигит-қиз талабаликка қабул қилинади.

— Спортнинг енгил атлетика турига жуда қизиқаман, — дейди Мафтунахон Икромова. — Ўзим таҳсил олган мактабда спорт мураббийси бўлиб меҳнат қилиш, маҳалламиздаги қизларни спортнинг ушбу турига кенг жалб этиш орзуим. Шу мақсадда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг хотин-қизлар спортини ривожлантириш факультетига ҳужжат топширдим.

Мамлакатимизда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор усуллари жорий этилгани ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлашни тубдан такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

— Бугун чет тилларини мукаммал билмаган ёшлар замон билан ҳамнафас яшаши, жаҳон илм-фани ютуқларидан ўз вақтида хабардор бўлиши қийин, — дейди Беҳзод Исроилов. — Шу боис ўғлим Шаҳзоднинг Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг бу йил янги очилган япон тили бўйича таълим йўналишига ҳужжат топшириш истагини бутун оиламиз қўллаб-қувватладик. Мана, унинг тест имтиҳонларини муваффақиятли топшириб чиқишини кутиб ўтирибман. Университет ҳудудида барча кутувчилар учун қулай шароитлар яратилгани мени жуда хурсанд қилди.

Юртимизда саноат, кимё, илғор технологиялар соҳасини жадал ривожлантириш, янги корхоналарни ишга тушириш, мавжудларининг ишлаб чиқариш қувватини янгилаш, техник ва технологик модернизациялаш, бозор ва расталарни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тобора кўпроқ таъминлаш, айниқса, озиқ-овқат сифати ва хавфсизлигига эътиборни кучайтириш масаласига катта аҳамият қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан шу йилнинг июн ойида ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда бу борада соҳа мутахассислари олдида турган долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Тошкент кимё-технология институти мазкур йўналишда юқори малакали мутахассислар тайёрловчи олий таълим даргоҳи саналади. Ушбу институтда ҳам тест синовлари белгиланган талаб ва қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда, тартибли, юқори савияда ўтказилди.

Ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ёшларнинг ўз келажаги учун қайғуриши, элу юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаётганида яққол намоён бўлмоқда. Бу «Бугунги кунда энг кўп талаб қилинадиган ва ўзини энг кўп оқлайдиган сармоя — инсон капиталига йўналтирилган сармоя» экани борасидаги пурмаъно ҳикмат нечоғлик ҳаётий ҳақиқат эканини яна бир бор тасдиқлаётир.

Жорий йилда олий ўқув юртларига кириш учун абитуриентлардан аввалги йиллардагига нисбатан анча кўп — 543 мингдан ортиқ ариза тушган. Мазкур маълумотнинг ўзиёқ юртимизда ёшларнинг билим олиш ва касб эгаллашга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга, бу ёшларнинг келажагига масъул бўлган ота-оналар дунёқарашида ҳам ижобий ўзгаришлар юз бераётганининг ёрқин ифодасидир.

...Яна саноқли кунлардан сўнг мамлакатимиз талабалари сафига Ватанимиз равнақи ҳамда халқимиз фаровонлиги учун астойдил меҳнат қилишга бел боғлаган минглаб ёшлар қўшилади.

Назокат УСМОНОВА,
Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбирлари.
ЎзА фотомухбирлари Аъло АБДУЛЛАЕВ, Ёлқин ШАМСИДДИНОВ олган суратлар

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 19.30
Topshirildi - 19.50

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 818 | 13970 nusxada bosildi | 1 3 4 5